



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

7 май куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш тантанали маросими бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Венгрия элчиси Йозеф Рожа, Эрон Ислам Республикаси элчиси Муҳаммадали Искандарий, Чехия Республикаси элчиси Любомир Фреборт, Умон Султонлиги элчиси Вафол-Бусайдий, Жазоир Халқ Демократик Республикаси элчиси Муҳаммад Ирқийдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини тайинлов билан самимий қутлаб, Ўзбекистон ва улар вакиллик қилаётган мамлакатларни яқинлаштириш, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришдаги муҳим ўрнини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти глобал геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланишга таҳдидлар тобора кучаяётган ҳозирги даврда давлатлар ўртасида конструктив мулоқотни, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишда дипломатлар фаолияти янада муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Жумладан, дунёдаги барча давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтисодийликка хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш,

хусусий сектор учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш.

— Бугунги Ўзбекистон — жаҳонга кенг очилаётган, хорижий шериклари билан узоқ муддатли ва кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бораётган тинчликсевар ва адолатли ижтимоий давлатдир, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги етти йилда икки баробар ўсгани, инвестициялар, савдо айланмаси ҳамми муттасил ошаётгани, экспорт географияси кенгаётганига эътибор қаратди. Дунёдаги етакчи компаниялар, машҳур брендлар бозоримизга фаол кириб келмоқда.

Кўни кеча 93 та мамлакат вакиллари иштирокида ўтган учинчи Тошкент инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлисининг муваффақиятли ўтказилгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам халқаро майдонда очик, прагматик ва ташаббускор ташқи сиёсатни изчил давом эттиришини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари элчилар диққатини улар вакиллик қилаётган мамлакатлар билан муносабатларини сифат ва мазмун жиҳатидан янги даражага кўтариш муҳимлигига қаратди.

Президентимиз Венгрия элчисига мурожаат қилар экан, Будапешт Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим ва вақт

синовларидан ўтган ишончли шериги эканини қайд этди.

— Сўнгги йилларда Бош вазир Виктор Орбан билан биргаликдаги қатъий интилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатларимиз натижасида алоқаларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилди, — деди Президент.

Шунингдек, икки томонлама товар айирбошлаш икки баробар ўсди, қўшма корхоналар сони ошмоқда, ўтган йили Будапештда Ўзбекистон элчихонаси очилди, юздан ортиқ ўзбекистонлик талаба “Stipendium Hungaricum” дастури доирасида Венгрия олий таълим муассасаларида тахсил олмақда. Юртимиз бозорига Венгриянинг “OTP Bank”, “Bonapharm”, “Gedone Richter”, “Meditor” каби бир қатор етакчи компания ва банклар муваффақиятли ишламоқда.

Тошкент ва Будапешт ўртасида авиақатновлар бошланиши ишбилармонлик алоқалари ва туризм алмашинувларини янада фаоллаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар кўп минг йиллик тарихий илдизлардан куч олаётганини таъкидлади. Бугунги Эрон катта иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Кейинги йиллардаги олий даражадаги тарихий ташрифлар ва эришилган муҳим

келишувлар муносабатларимизда янги юксалиш даврини бошлаб берди.

Барча даражада ўзаро мулоқотлар фаоллашди. Икки томонлама савдо ҳамми ўсмоқда, қўшма корхоналар сони 300 тага етди. Қайд этилганидек, томонлар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ режаларни белгилаб олган.

Ўзбекистон Эрон билан тоғ-кон, энергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтиришдан манфаатдор.

Транспорт йўлакларини ва транзит борасидаги ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз Чехия Республикаси Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги аъёнавий ва муҳим ҳамкори эканини таъкидлади. Ўтган йили ҳукумат делегацияларининг ўзаро ташрифлари икки томонлама алоқаларимизни янги босқичга кўтарди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ўзаро савдо икки баробарга кўпайгани ҳамкорлик борасида катта имкониятлар мавжудлигини яққол тасдиқлайди. Ўзбекистонда Чехиянинг етакчи компаниялари саноат, инфратузилма, тиббиёт, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаларида муваффақиятли фаолият юритмоқда. “Тошкент – Прага” авиақатновлари йўлга қўйилмоқда.

Келишилган инвестиция лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш ва саноат кооперацияси бўйича дастурни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди. Чехия Экспорт банки ҳамда Экспортни кафолатлаш ва сугурталаш корпорациясининг мамлакатимиз банк-молия бозорига кириш режалари юқори баҳоланди.

Президентимиз Умон Султонлиги Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Муқаддас ислом дини, ўхшаш урф-одат ва қадриятлар ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

— Тошкентда Султон Ҳайсам Ол Саид иштирокида очилган Шарқшунослик институтининг мухташам кутубхона давлатларимиз ўртасида ўзига хос дўстлик рамзи бўлиб келмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Икки мамлакат ҳамкорлигида ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият бор. Тез орада Ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишини ўтказиш, Ишбилармонлар кенгашини тузиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, телекоммуникация, тўқимачилик саноати, туризм каби соҳалар ҳамкорлик учун истиқболлидир. Ўзбекистон — Умон инвестиция компанияси имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Жазоир араб-мусулмон дунёсида жадал суръатда тараққий

этаётгани, катта иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат, Африка қитъасидаги истиқболли шеригимиз эканини таъкидлади. Жазоир араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Тошкентда ўз элчихонасини очган.

Олий даражадаги учрашувларни ташкил этиш, сиёсий маслаҳатлашувлар механизмининг жорий этиш, Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказиш зарурлиги, бу икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлаши таъкидланди.

Нефть-газ, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида аниқ инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун делегацияларнинг ўзаро ташрифларини уюштириш зарурлиги қайд этилди.

Маросим якунида Президентимиз элчиларга шарафли фаолиятида катта муваффақиятлар тилаб, мамлакатимиз ҳудудларига бориш, юртимизда бўлаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишга қаққирди. Бу, ҳеч шубҳасиз, ҳамкорлик мустаҳкамлашига хизмат қилишини таъкидлади.

Дипломатлар самимий қабул, самарали фаолиятига яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга бор сазой-ҳаракатларини қаратишларини таъкидладилар.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан мамлакатимиз етакчиси кузатувчи давлат раҳбари сифатида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги

Ғалабанинг 79 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади. Ташриф доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

ЎЗА



ХЕЧ ҚАЧОН ЎЗГАРМАС ВА УНУТИЛМАС ҲАҚИҚАТ

3

## ВЕНГРИЯ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 7 май куни қўшма Ҳукуматлараро комиссия тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийяртони қабул қилди.

Петер Сийярто давлатимиз раҳбарига Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди ҳамда учинчи Тошкент инвестиция форуми муваффақиятли ўтказилгани билан табрикланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Икки мамлакат стратегик шериклиги изчил мустаҳкамланиб, амалий алоқалар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳамми икки баробарга кўпайди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони ошмоқда.

Саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, логистика, кўчмас мулк объектларини қуриш ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни илгари сурish масалалари кўриб чиқилди. Тошкент вилоятида Венгрия ва Европа компанияларининг лойиҳалари учун махсус иқтисодий зонани тез фурсатда ишга тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Гуманитар алмашинув ҳам кенгаймоқда. Талабаларимиз Венгриянинг етакчи олий таълим муассасаларида тахсил олмақда. Шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилотидagi ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

## Тараққиёт йўли

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

парламент фаолиятида қандай ўзгаришлар ясамоқда?

Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги янгиликларни жараёнига ўзгача руҳ бахш этмоқда. Ушбу йўналишдаги ҳуқуқий ислохотлар натижасида давлат ҳокимиятининг барча тизими ислох қилиниб, улар ўртасидаги муносабатлар тубдан ўзгаргани муҳим ютуқлардан бўлди. Бу жараёнда демократик давлатнинг устуворлигини бири бўлган парламент фаолияти ҳам такомиллашяпти.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам бу жаҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори Акром Тошпўлатов билан суҳбатимиз шу йўналишда қилинган ишлар, конституциявий ислохотлар самараси, парламент фаолиятини

такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар хусусида бўлди.

— Парламент ҳақиқий демократик мактабга айланиши, ислохотлар ташаббускори ва асосий ижросини бўлиши керак деган гоё бугун ҳаётимизда қандай намоён бўлмоқда?



Давоми 4-бетда



## Муносабат

Кўнғиротбой ШАРИПОВ,  
олий таълим, фан ва  
инновациялар вазири

Олий маълумот ҳар бир инсонга жамиятга ўз ўрни ва мавқега эга бўлиш имконини берса, давлатга билимиларни танлаб олиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, иқтисодий, муҳандислик ва технология соҳаларини илмий-институционал қамраб олишга, пировадига, инсон капиталини самарали йўналтиришга хизмат қилади.

Шу маънода, олий таълим соҳасида академик таълимга ажратилган грантларнинг ҳаёти, айниқса, ўқитиш сифатини оширишда гўя муҳим. Бу омили олийгоҳларни инновацион ва инклюзив марказларга айлантиради, олий таълим фаолиятини қўллаб-қувватлайди ҳамда мамлакат тараққиётини тезлаштиради.

Жорий йил 6 май кунин Президентимиз ҳузурда олий таълим тизими бўйича ўтказилган тақдиротда айнан билимлик кадрларни танлаб олиш, имтиёزلар билан қўллаб-қувватлаш, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш истиқболли экани таъкидланди.

# АЪЛОЧИ ТАЛАБАЛАР ГРАНТ АСОСИДА ЎҚИЙДИ

## Энди давлат гранти бир талаба учун 4 йилга берилмайди

Йилгилишда олий таълимда шаффофлик ва самардорликни таъминлаш, 2024/2025 ўқув йили олтидан қабул квоталарини қайта кўриб чиқиш ва малака талабаларини халқаро даражада кўтариш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари бакалаврият ва магистратура йўналишларидаги катта тафовутни қисқартириш, уларни замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш зарурлигини таъкидлади. Бугун олий таълим муассасасини битираётган талабаларда тўлиқ малака шаклланишига айнан уларнинг ишга жойлашувида асосий муаммо бўлаётгани танқидий баҳоланди.

Барча олийгоҳлар иқтисодиётдаги "талаб ва тақлим" асосида ишлаш, соҳалардаги эҳтиёжни маҳаллий ижро органлари, нодавлат ташкилотлар, тадбиркорлар ва инвесторлар билан келишилган ҳолда аниқлаш, эски таълим йўналишларини қисқартириб, янгиликларни ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ҳақиқатан, гоё ва инновациялар ижодкорлиги, ташаббускорлик, очиқ ва конструктив ислохотлар, ташқи сийасатдаги иқтисодий прагматик ҳамкорлик натижасида мамлакатимиз аграр секторга қарамликдан қутулиб, енгил ва оғир саноат жабҳаларида мисли кўрилмаган иқтисодий кўрсаткичларга эришди.

Бундай кенг қўламли ислохотлар битирувчилар орасидан иқтидорли ва билимли ёшларни танлаб олиш, қобилиятли йилги-қизиларни касб-ҳунарга ўқитиш, муҳандислик, қурилиш ва технология соҳаларда ривожланиб бораётган мамлакатимизда техникалар фаолиятини олий таълимга интеграция қилган ҳолда тақдиротида илмий инновацион саноат тараққиёти эътибори.

Илгари олийгоҳларга ўқишга киришда йўналишлар бўйича 40 та грант ажратилган бўлса,



энди юқори балл тўплаган абитуриентларни грант асосида ўқишга қабул орқали қўллаб-қувватлаш топшириғи берилди. Янги тартибга кўра, муайян йўналишга ажратилган давлат гранти доирасида юқори балл тўплаган абитуриент, танлаган олий таълим муассасасидан қатъи назар, давлат грантига тавсия этилади. Яъни юқори балл олган ёшлар ўқишга қирмай қолмайди.

Яна бир янгилик: энди давлат гранти битта талабага 4 йилга берилмайди, балки ҳар йили юқори баҳо олган талабалар орасида қайта тақсимланади. Илгари сезиларли тафовутга эга бўлган 0,75, боришда 2-3 балл учун ҳам тўлов-шартномага тушгани тўғрисида кейинги йили ҳужжат топширган ёки оилавий шартини тўғри келмай, ўқишдан бутунлай воз кечган оилалар фарзандларини кўп кўрганми.

ОТМларнинг мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишига хизмат қилади.

Яна бир жиҳати шуки, у талабаларга олий маълумот олишда молиявий ёрдам шакли бўлиб, бу қўллаб-қувватлов муносиб шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, таълим олишда тенг имкониятга эгалигини таъминлайди, инклюзивлигини рағбатлантиради.

Университет грантлари академик дастурларни такомиллаштириш ва кенгайтириш учун жуда муҳим. Ушбу маблағ юқори таълим стандартларини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган янги ўқув дастурларини модернизация қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, грантлар қўшма тадқиқот лойиҳалари ва ташаббуслар орқали фанлар оҳамиятини, анъанавий билимлар ривожланишини қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, дарслик ва академик дастурларни диверсификация қилиш, талабаларни касбга йўналтириш жараёни ҳамда мураббийлик дастурларини кенгайтиради.

Университетларга жамоатчиликни жалб қилиш дастурларини бошлаш, маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва жамиятга фойда келтирадиган лойиҳаларни рўёбга ошириш имконини беради.

Йилгилишда "Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази" лойиҳа офиси ҳамда таълим соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш Мақдони ҳамда таълим соҳасидаги лойиҳалар ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазиригини тўла интеграциялаштиришга йўналтириш таъкидланди. Лойиҳа офиси асосан педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини таҳлил қилиш баробарида қўллаб-қувватлайди. Хусусан, педагог кадрлар тайёрлаган олий таълим ташкилотларини тизимли ривожлантириш, профессионал таълимдан сўнг олий таълим давом эттириш имкониятини янада кенгайтириш, 3 йиллик таълим

дастурлари асосида амалий бакалаврият бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишни кафолатлайди.

Шу билан бирга, ўқитиш соҳасида давлат бошқаруви органларининг айрим функцияларини (таълим ташкилотлари рейтингини аниқлаш, таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш ва бошқалар) нодавлат, шу жумладан, халқаро ташкилотларга аутсорсингга бериш бўйича тақлимлар тайёрлашни ўз ичига олади.

Профессионал ва олий таълимда касбий кўникмаларни белгилаш ҳамда баҳолаш бўйича янги тизим жорий қилишдаги бу сазой-ҳаракатлар билимиларни танлаб олиш ва келажакни ишончи қўллар топширишимизда тўғри йўл кўрсатади.

Йилгилишда адолатли таълим ислохотларига эришишда бевосита ОТМларнинг ички тартиб-қоидалари, мамурий бошқаруви муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар академик таълим тизимини қайта ислох қилиш, рақамлаштирилган янги тизимни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Янги ўқув йилида қабул квоталарини тўғри таҳлил қилган ҳолда тақсимлаш, меҳнат бозори эҳтиёжига қараб ажратилган давлат гранти доирасида юқори балл тўплаган абитуриент, танлаган олий таълим муассасасидан қатъи назар, давлат гранти асосида ўқишга кириши таъминлангани белгилаб берилди.

Илгари давлат гранти бир талабага бакалаврият босқичида узлуксиз тақдим қилинган бўлса, энди грантни оқлаш, масъулиятни ҳис қилиш ва ўқишни ўзлаштиришни мунтазам ривожлантириб бориш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳар йили юқори баҳо олган талабалар орасида ушбу грант ўрни қайта тақсимланади.

Давлатимиз раҳбари малака талабалари бўйича жаҳон андазаларига мос иш юритиш, малакани баҳолашни сертификатлаш, инновацион малака стандартларини ишлаб чиқиш ва тизимли рақамлаштириш зарурлигини қайд этди. Бу борада Миллий малака тизимини ривожлантириш институтини ташкил қилиб, иш беришлари билан бирга малака талабаларини тўлиқ ишлаб чиқиш вазифасини берди.

Йилгилишдан қўзланган истиқболли мақсад олий таълимни қайта кўриб чиқиш орқали ўқитишда адолатли таъминлаш, таълим сифатини ошириш, хусусан, муҳандислик ва технология соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, бунинг учун илгор хорижий университетлар билан фан ва мутахассисликлар йўналишида тажриба алмашиш, академик таълимни тез суруятда, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқишдир.

## Худудлар ҳаёти

Энг тоза ва кислородга бой сувда, 18 даражагача ҳароратда яшайдиган форель (хонбалик) балигини ҳамма ҳам сотиб олавермайди. Қуввати кўй гўштиникидан ҳам кучли бу балиқнинг қимматлиги табиий. Инжик форелнинг озқуқаси чет элдан келтирилади. Емиши ўзимизда ишлаб чиқарилса, тенг баробар фойдага эришиш билан бирга, балиқнинг таннари арзонлашиши мумкин. Форелчилик мактабини яратган наманганликлар айни масала устида бош қотираётгани шундан. Аслида, хонбалик етиштиришга қизиқиш ортиб бораётган ҳозирги пайтда бу жуда муҳим. Зеро, энди нафақат Наманган, балки Фарғона ва Андижонда ҳам форелчилик мактаби вуқудга келиши мумкин. Айниқса, аҳолиси кўп Андижонда бу фаолиятнинг йўлга қўйилиши айни муддао.

# ХОНОБОДДА ХОНБАЛИҚ ЕТИШТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари шу йил Андижон вилоятига ташрифи чоғида Хонобод шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласида бўлиб, "...Ҳар бир маҳалланинг ўз имкониятлари, анъаналари, одамларнинг хоҳиш-истаклари бор. Маҳалла уюшмаси ва иқтисодий комплекс вакиллари уларни аниқлаб, қўллаб-қувватласа, аҳолини банд қилиш, даромад манбаи яратиши мумкин", деган эди. Шунга биноан Хонобод шаҳридаги Кампировот маҳалласида 26 хонадонни балиқчиликка ихтисослаштириш бўйича ишлар бошланди.

Бунинг учун дастлаб "Ҳар бир оила — табиркор" дастури асосида ўзини ўзи иш билан таъминлаш ва кўшимча даромадга йўналтириш юзасидан аҳоли хонадонлари ўрганилди. "Андижонбалиқсаноат" МЧЖ раҳбари Бахтиёр Ариповнинг айтишича, уюшма мутахассислари хонадонлардаги ҳовузларнинг балиқ етиштириш талаблари асосида қурилишини назоратга олди. 20-21 апрель кунлари балиқ етиштириш усули билан таништириш мақсадида Балиқчилик илмий маркази мутахассислари иштирокида икки кунлик илмий-амалий семинар ўтказилди.

Биринчи кун балиқ ва у етиштириладиган сув, емиши, касалликлари ҳақида умумий тушунча берилди. Кейинги кун балиқ етиштириладиган хонадонлар вакиллари Намангандаги Норин дарёсига қараб йўл олди. Иштирокчилар форель етиштирувчи "DIBI GROUP" балиқчилик фермер

хўжалигида балиқнинг иккидан экспорт бўлгунга қадар боқилиши жараёни ҳақида маълумотга эга бўлди. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деганлари рост. Одамлар кўзи билан кўрган жараёни эшитганидан кўра яхшироқ эслаб қолганини таъкидлади.

Айни пайтда Кампировот маҳалласидаги хонадонларда ҳам форель етиштирила бошланди. Албатта, биринчи йили ҳовузларнинг барчаси Балиқчилик илмий маркази ва "Андижонбалиқсаноат" МЧЖ мутахассислари назоратида бўлади. "Бу орқали мингбал одамни иш билан таъминлаш мумкин. Келгусида Хонободда форелчилик маркази ташкил қилинади, экспортга ҳам кенг имконият очилади", дейди Бахтиёр Арипов.

— Шу пайтгача ёнимиздаги маҳаллаларда балиқчилик билан шуғулланган фермер хўжаликлари бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд, — дейди "Кампировот" МФЙ раиси Мансуржон Юсупов. — Энди маҳалламиздаги 26 хонадонда форель балиғи етиштирилади. Хонадонларнинг аксарияти 6-8 сотихдан. Қулайлиги шундаки, уларнинг барчасидан ариқ ўтган, тоза сув оқиб туради. Форель учун эса айнан шундай сув керак. Бунинг учун махсус ҳовузлар қурилади. Иш бошлаш учун шахсий маблағи бўлмаган оилаларга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан иртиёзли кредит ажратилди. Яхши ниятда бошлётган ишимиз қутилган натижа беради. Чунки бориб кўрган жойларимизда балиқ етиштираётганларнинг шароити бизникидан

оғир. Улар сув тортиш учун кўп электр энергияси сарфлайпти. Бизда эса бу муаммо йўқ. Сувнинг ўзи шундоққина хонадонларга кириб, чиқиб кетаяверади. Озуқани эса учқўргонлик фермерлар етказиб беради. Энг муҳими, улар балиқларимизни ҳам сотиб олмақчи.

Балиқбоқарлар бошқа даромад манбаларини ҳам ўйлаб топа бошлади. Улар балиқчиликда ҳам кластер яратиш устида изланипти. Шу кунларда Андижонсой билан Шаҳрихонсой ўртасида балиқ пишириб сотадиган жойлар ташкил қилиш кўзда тутилди. Бу бир томондан гастрономик ва эко-туризм ривожига хизмат қилса, иккинчи томондан одамларнинг ишли бўлишини таъминлайди. 26 хонадонда етиштириладиган форелдан ташқари, балиқчилик хўжалиқларидан сезан, амур каби балиқлар ҳам сотиб олинади.

— Бир ишга астойдил ишонч билан киришган инсон, албатта, натижага эришади. Биз ҳам оиламиз билан балиқчиликда ўзимизни сынаб кўриш ва имкон қадар бунинг урдасидан чиқишга қарор қилдик. Балиқ боқилиши сир-асорини обдон ўргатишди. Қолаверса, энг тажрибали балиқчилардан ўрганишимиз учун шароит қилиб берилди. Жараёни кўриб, тушунмаганларимизни ўша ерининг ўзида мутахассислардан сўраб, билиб олдик. Тажриба сифатидаги илк натижаси яхши бўлиб, кейинги йилдан икки баробар кўпроқ балиқ етиштирамиз, — дейди "Кампировот" МФЙда яшовчи Алимжон Расулов.

Жараён билан танишиб, Кампировот маҳалласи одамларининг бошлаган иши ўнгидан келиши, мўл ҳосил ва даромаддан юзи ёрут бўлишига астойдил тилак билдирдик. Кейинги йилларда Хонобод форели ўзига хос маҳаллий брендага айланиб, мазаси ва нархи билан иртиёзлиликнинг ўзига жалб этса, ажабмас.

Муножат МҶМИНОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

## Мавсум

# БИЛГАНГА ТОМОРҚА КОНИ ФОЙДА

Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилояти иссиқхоналар сони ва майдони бўйича республикада етакчи ўринда туради. Воҳода айни пайтда 388 минг 433 та оиланинг 47 минг 260 гектар томорқа ер майдони мавжуд. Уларда барча турдаги полиз экинлари етиштириляпти. Иссиқхоначилик маданияти шаклланиши аҳоли даромади ошишига ҳам хизмат қилаёттир.

2023 йилда Сурхондарё вилоятидан 113 миллион 823 минг 600 АҚШ доллари қийматдаги мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу кўрсаткичнинг салмоқли улуши ҳам айнан томорқа ер эгалари ҳиссасига тўғри келмоқда. Вилоятда 2024 йил ҳосили учун 71 минг 363 гектарда тўқсонбости экинлар экилиб, 1 миллион 100 минг тонна ҳосил олишга астойдил енг шимарилган. Албатта, бунда 200 мингдан ортқ аҳоли истиқомат қиладиган Шўрчи тумани деҳқонларининг ҳам улуши салмоқли.

Тумандаги 53 маҳалланинг 46 таси муайян йўналишга ихтисослаштирилган. Маҳаллаларда эса 21 минг 540 та хонадон вакиллари 2050 гектар томорқада деҳқончилик билан машғул.

Маълумотларга кўра, туманда 2023 йилда картошқадан ўртача 215 центнер, сабзавотдан 355 центнер, полиз маҳсулотларидан эса 250 центнер ва дуккакли экинлардан 20 центнер ҳосил олинмишига эришилди.

Амалдаги йилда ҳам 188 минг 528 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Жумладан, 37 мингдан ортқ томорқа ер эгаси 3753 гектар ерда



86 минг 744 тонна эрчати ҳосил олди. Шундан 22 минг 623 тоннаси қайта ишлашга ва 37 минг 706 тоннаси экспортга жўнатилади.

Бобур маҳалласида яшовчи Абулқосим Нуралиев қўлунапай етиштирилади. Унинг хонадониди Жанубий Корея технологияси асосида иккигина — ҳар бири 7 сотихли иссиқхона барпо этилган.

— Томорқа маданиятига эътибор хонадоннинг фаровонлиги дегандир, — дейди Абулқосим Нуралиев.

— Туманимизда ҳар икки хонадоннинг бирида иссиқхона бор. Авваллари юртимизнинг бошқа вилоятлари, хусусан, Фарғона воёдийсида бўлганимизда томорқачиликни кўриб ҳайратини сезиб, озимизнинг таноби қочиб келарди. Энди ўзимиз ҳам шуғулланиб, инсон ҳаракат қилса, ҳар қандай мақсадни рўёбга чиқариш мумкин эканини англаб етляпмиз. Ҳозир йилнинг тўрт фаслида ҳам томорқада барча сабзавотлар муҳайё.

Айни кунларда тумандаги Қоқайди маҳалласи ҳудудидан тўрт оз гектардан ортқ ер онлайн аукцион савдо орқали ёшларга берилмоқда.

Шўрчи туманида 60 мингдан ортқ ёш бўлиб, 1200 нафари ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Уларга 30 йиллик муддатда ер берилиб, деҳқон хўжалигини юритиш орқали даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашилмоқда.

Бугун суммасини елкасига ортомқлаб, хорижа ишга кетиб, бири икки бўлмаган, уйи — Улан тўшаги эканини яхши тушуниб етган борки, юртининг ўзиди қолиб ҳам яхшигина даромад топиш ва яшаш мумкинлигини теран англапти. Ер олиб деҳқончилик қиламан деган ҳар бир ёш учун эса имкониятлар яратиб берилляпти.

Сарвар ТҶРАЕВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Рустам БОЙТЎРА, журналист

Мислсиз йўқотиш, талафот ва мусибат келтирган Иккинчи жаҳон урушида миллионлаб инсонлар ҳалок бўлганини дунё ахли эсдан чиқарган эмас. Фашизм устидан ғалаба қозониш, тинчлик ўрнатилганда Ўзбекистон халқи ҳам барча тинчликпарвар эллар қатори катта жасорат кўрсатди. Фронт ортида ҳам букилмас ирода ва матонат билан меҳнат қилди. Буларни икки сатрда ифодалаб бўлмайди. Матонату жасоратни ҳам, йўқотишу бунёдкорликни ҳам тарих хотирларига мангу муҳрлаб, эсламоқ керак.

Улкан талафот, йўқотиш ва кураш манзараси

Маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон аҳолиси тахминан 6,5 миллион кишини ташкил этган. Шундан икки миллионга яқини жангга юборилган. Беш юз мингга яқини ҳалок бўлган, тўрт юз мингдан зиёд ватандошимиз ногирон бўлиб қайтган, 160 мингга яқини бедарак кетган. Тасаввур қилинг: бу — аёллар, болалар ва қарияларни ҳисобга олганда ҳам дерай ҳар уч кишидан биттаси қиргинбарот урушга юборилган, дегани.

Жанг бўлган ҳудудлардан турли миллатга мансуб 1,5 миллиондан ортиқ киши (асосан, болалар ва аёллар) кўчириб келинган. Халқимиз уларга уйдан жой бериб, борини баҳам кўрган.

Уруш йиллари Ўзбекистондаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарилгани, фронт ҳудудидан кўплаб завод ва фабрика, муҳим ишлаб чиқариш корхоналари, олий ўқув юртлири кўчириб келтирилгани ҳам элимизнинг бағрикенглиги, меҳнатқашлиги ва юксак инсонийлиги намунаси эди.

Урушдан омон қайтганларнинг бири деҳқон, ўқитувчи, яна бошқаси қурувчи, шифокор бўлиб хизматни давом эттирди. У даврдаги ҳолат, таъминот, вазият, иш жуда оғир бўлса-да, халқимиз ҳалол меҳнат билан оила боқиб, эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилишда давом этди. Ўша меҳнатсеварлик, ўша матонат, жасорат тинч даврда ҳам намоеён бўлаверди.

Келгуси йили уруш тугаганига саксон йил тўлади. Маълумотларга кўра, юртимизда Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти қатнашчилари жуда кам қолган — 112 нафар.

Бу қиргинбарот уруш қанча одамларнинг, оилаларнинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди, руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатди. Буни икки йил жанг майдонларида

“Бирортасиям урушдан омон қайтмади-я...”. Бу — беш ўғлининг урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлганидан эзилиб ўтган Зулфия Зокированинг армонли сўзлари. Ушбу ҳаётини образ йиллар давомида оталари, фарзандлари, ака-укаларининг қонли жанглардан қайтишини илҳақ қутиб ўтган, майиб бўлса ҳам қайтганда кўз ёшини тия олмаган сабр-тоқатли миллионлаб оналар, опа-сингиллар, келинлар сабр-тоқати, садоқати, иродасининг тимсоли аслида...



ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗГАРМАС ВА УНУТИЛМАС ҲАҚИҚАТ

бўлган ва Поляшнинг Висла дарёси бўйидаги қаттиқ жангга яраланиб қайтган отамнинг хатти-ҳаракати, руҳиятида ҳам ҳис этар эдим. Афсуски, бугун кишлоғимизда уруш қатнашчиларининг бирортаси ҳам ҳаёт эмас. Ўша даврда балоғат ёшига етган, жангларда қатнашганлар ҳақида ёзувчилар “Йўқотилган авлод” деган ибора қўлаган. Зеро, улар балоғат ёшидан э ҳаёт, ё мамотта дуч келди. Айни пайтда кексалар, аёллар ва болалар ҳам оғир шароит, машаққатли меҳнатдан ташқари совуқ хабар даракчиси бўлган “қоракат”дан кўриб, ҳадиксираб ўтди. Қачон уруш тугар экан, деган хабарни туну кун кутиб яшади. Болалар мактабни ташлаб кетишига тўри келди. Азонлаб бир бурда нон учун карточка билан навбатда туришга, далада, заводда ишлашга мажбур бўлди. Улар беташвиш, бегубор болалик ҳиссини туймади.

Фронтдан қайтганларнинг кўпи эса маънавий ёки жисмоний мажруҳ бўлиб қайтди. Чунки ҳозиргина ёнида турган сафдошининг душман ўқидан, бомба портлашидан ҳалок бўлаётганини кўриш, ўзи ҳам шу ёшдан душманга қарши қурол олиб жанг қилиши руҳиятига жуда қаттиқ таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Кун эмас, ойлари, йиллар давомида шу дахлатлар ичида яшашга мажбур бўлгани эса алоҳида мавзу, албатта.

Йиллар ўтиб, улар кўрсатган қаҳрамонлик, урушдан кейинги оғир турмуш, яшаш учун кураш ҳақидаги хотиралар қолди. Тинчлик ва осейишталик, эркин ва фаровон

ҳаётни тиклашга умрини бағишлаган инсонларнинг ёрқин хотираси, инсонларварлик фазилатлари бугунги авлод учун одамийликнинг намунаси бўлиб қолаверади.

Адолат, матонат ва хотира лаҳзалари

“Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни Ватан ва халқ озодлиги саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамisha барҳаёт яшайди”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Бундан уч йил муқаддам пойтахтимизнинг Олмазор туманида “Ғалаба боғи” ва “Шон-шараф” давлат музейи ташкил этилди. Бу ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўп айтилди. Ушбу масканинг барпо этилишидан мақсад моҳият эътибори билан мардлик ва жасорат кўрсатган аждодларимиз номини абадийлаштириш, юртимизда инсон хотираси муқаддас ва азиз, инсон қадри улуг эканини таъкидлашга қаратилган. Шу орқали ёш авлодни тинчлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уруш асоратларини ёддан чиқармаслик, аждодлар хотирасини эъзозлашга ундайди.

Уни зиёрат қилиш давомида ҳамюртларимиз кўрсатган жасоратни, улкан йўқотишлар кўзламини, ҳатто концлагерда, қамалда



қолганлар азобларини, фронт ортидагиларнинг машаққатли меҳнатини чуқурроқ англай бошласиз. Беихтиёр уруш ва тинчлик моҳиятини янада теран ҳис этасиз. Бу масканди минглаб экспонатлар, ёдгорликлар уруш манзараларидан сўзлайди.

“Шон-шараф” музейида муҳим маълумотлар жамланган. Кейинги йиллардаги кенг кўламли изланишлар, тадқиқотлар туфайли янги маълумотлар, рақамлар киритилди. Илгари мамлакат архивларида ёпиқ турган тарихий ҳужжатлар батафсил қайта ўрганиб чиқилди, хорийдаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорликда изланишлар олиб борилди. 2020 йил 9 май-гача аниқланган янги маълумотларга кўра, урушда иштирок этганлар, ҳалок бўлганлар, юртимизга эвакуация қилинганлар сони аслида, илгари қайд этилганидан анча кўп бўлган. Бедарак кетган деб келинган кўплаб ҳамюртларимиз номи, тақдирини тикланди.

Хусусан, ҳамюртларимиздан 301 нафари “Совет иттифоқи қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган. 70 нафари учала даражадаги “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган, ҳамюртларимиздан 23 генералга ҳам “Совет иттифоқи қаҳрамони” унвони берилган. Бу каби янги маълумотлар тарихимиз, шаънимиз ва ғурурини янада қўллади.

Шулар қатори Ўзбекистонлик жангчиларнинг хорийнинг давлатлар ордени ва медаллари билан тақдирлангани уларнинг Европа мамлакатларини ҳам фашист босқинчиларидан

озод қилишдаги жасоратини аниқлади. Юқорида таъкидлаб ўтилган янги изланишлар, халқаро миқёсдаги қидирувлар аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз абадий эканидан далолатдир.

Орадан ўтган йиллар суруни ҳам уларнинг жасорати, қаҳрамонлиги, эл-юрт тинчлигига бағишланган умр йўлларини тарихимиз саҳифаларидан ўчириб кета олмайди. Чунки уларнинг номи фарзандлари, неварачеваралари, эзгулик йўлида хизмат қилаётган ватандошларимиз қалбидан йиллар ўтган сари чуқурроқ илдиз отиб бораверди.

Юртимизда кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида туну кун меҳнат қилган инсонларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, фахрийларни эъзозлаш ва қадрлаш юксак эъза аниқлана айланган. Бу изланиш урушдаги ва уруш ортидаги қаҳрамонлигини абадийлаштириш, фарзандларимизни бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрловчи инсон этиб тарбиялашимиз юксак маънавий-маърифий ишларимиз давоми бўлиб қолаверади.

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб,

Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш назарда тутилган.

Фармонга кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 20 миллион сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти топшириладиган бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Муҳофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси билан биргаликда шу кунларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотини тантанали ҳамда байрамона вазиятда топширилишини таъминламоқда.

— Инсоният тарихининг энг муҳдиси ва оғир даври — Иккинчи жаҳон урушида жасур ва мард ота-боболаримиз, аввало,

Мангуликка дахлдор фазилат

Инсонни хотирлаш, синовли, машаққатли дамларда фидойи бўлиш, нафақат ўз ҳаёти, балки ўзгалар ҳаёти учун курашиш чин умуминсоний қадрият, юксак фазилат. Ўша уруш йилларида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган бир ярим миллион ўзга миллат вакиллари шу ерда кўрган хотиржамлик, меҳр-оқибат, ғамхўрликни умрининг охиригача эслаб, миннатдорлик билан сўзлаб ўтди. Кўпларининг фарзандлари, яқинлари бугун ҳам халқимиз, юртимиз ҳақидаги хотираларни ҳаёжон ва миннатдорлик билан эслайди. Улар қаторида оддий ишчидан тортиб, бугун танкичи олим, санъаткоргача бор.

Бу умуминсоний фазилат бўлиш билан бирга биз учун аждодларимиз хотираси олдидаги бурч, шаънимиз. Ҳа, бугун ҳам уруш йиллари ҳақида бадий-публицистик асарлар, “Илҳақ”, “101”, “Матонат” каби халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган бадий фильмлар, янгича йўналишда саҳна асарлари, ёдгорлик объеклари, фотоальбомлар яратилди.

Аждодларни хотирлаш, эъзозлаш уларнинг номларини биргина тадбирларда ёдга олиш билан чекланмайди. Ёш авлоднинг яхши таълим-тарбия олишига интилиши, ёшу кексага чин инсоний муносабатда бўлиши, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги учун фидойилик билан меҳнат қилиши ҳам ота-боболар номини улуғлаш, хотирасини эъзозлашдир. Бу биргина давр талаби бўлиб қолмай, ҳеч қачон ўзгармас ва унутилмас ҳақиқатдир.

Оқлов

ҚАРИЙБ 100 ЙИЛЛИК АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

198 НАФАР ШАХСГА НИСБАТАН ОЛИЙ СУД ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING ОҚЛОВ ҲУКМЛАРИ ЧИҚАРИЛДИ

Бундан роппа-роса 94 йил олдин собиқ Ўзбекистон ССР Олий суди раиси лавозимида ишлаган Саъдулла Қосимов ва бошқалар (жами 7 киши) ўша даврдаги СССР Олий суди жиноят судлов ҳайъатининг 1930 йил 21 июндаги ҳукми билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 63-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган. Уларга мол-мулкни мусодара қилган ҳолда ўлим ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган эди.

Олий суд судлов ишлари бўйича судлов ҳайъати суд мажлисида С.Қосимовнинг набираси Ф.Саъдуллаев томонидан ушбу ҳукм устидан берилган кассация шикоятини ҳамда Бош прокурор ўринбосари томонидан ушбу жиноят иши юзасидан келтирилган кассация протести кўриб чиқилди. Натияжада С.Қосимов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган айблов ҳукми бекор қилинди. Улар ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ҳамда жиноий ҳодиса юз бермагани сабабли айбисиз, деб топилди, оқланди. Шу тариха адолат қарор топди, йиллар мобайнида юзга чиқмай келган ҳақиқат тантана қилди.

Бугун миллий ўзлиқни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачон гидан ҳам муҳим. Мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатагон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндлари, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, жасорати ва матонати мисолида ёш авлодни ватанимиз, халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борадаги тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли

курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озода ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

Шу боис, тарихий адолатни тиклаш, мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулкни мусодара этилиб, ўзлари қувғин қатагонга дучор этилган аждодларимиз номини оқлаш йўлида изчил ишлар қилинмоқда.

— Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинган бунга кенг йўл очди, — дейди Олий суд мутабоот котиби Азиз Обидов. — Ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида қатагон қурбонлари меросини янада чуқур ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш ва бу сазой-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун республика ишчи гуруҳи ташкил этилган. Уларнинг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Бу, ўз навбатида, бу борадаги изланишлар кўламини кенгайтириш,



маъсулларга вазирлик ва ташкилотларнинг идоравий архивларидан фойдаланиш имкониятини яратди.

Шунингдек, илмий тадқиқот ишлари жа-раёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра,

реабилитация қилинмаган қатагон қурбон-лари номларини оқлаш юзасидан таклифлар киритиш белгиланган.

Бундан ташқари, Олий судда муайян сабабларга мувофиқ, реабилитация

қилинмаган қатагон қурбонлари номларини оқлаш ва хотирасини абадийлаштириш ма-салалари бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳнинг изчил фаолияти, кўла-ли сазой-ҳаракати туфайли сунги йилларда собиқ тузум даврида қатагон қилинган 1031 нафар ватандошимиз реабилитация қили-ниб, оқланди.

Олий судга мустабид тузум томонидан аксиллиқлибий мақсадларда ҳаракатлар ва қуролли қўзғолонлар, террорчилик, бан-дитизм ва шпионаж содир этиш, партия ташкилотларида аксилшўро фаолиятини юритишда айбланган 205 нафар шахсга оид 12 та жиноят иши келиб тушиб, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди.

Бош прокурор ўринбосари томонидан юқорида кўрсатилган жиноят ишлари юза-сидан Олий суднинг жиноят ишлари бўй-ича судлов ҳайъатига кассация тартибида протестлар келтирилди.

Жорий йил 6 май куни Олий суд ра-иси ўринбосари Икром Муслимов раис-лигида ўтказилган очиқ суд мажлисида ушбу протестлар кўриб чиқилиб, қаноат-лантирилди ҳамда оқлов ҳукмлари чиқа-рилди.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Кун мавзуси

ИНФЛЯЦИЯ ПАСАЙИШДА ДАВОМ ЭТАДИ (МИ?)

Инфляцияга илмий жиҳатдан умумий истеъмол маҳсулотлари ва хизматлар нархнинг ошши, деяр таъбир берилди. Унга тақлиф, талаб ва импорт омиллари таъсир қилади. Ишлаб чиқариш ҳаражати ортса, маҳсулот нархи ошади ва тақлиф инфляциясини юзага келтиради. Бошқа томондан, аҳоли даромади ўсиши бозордаги маҳсулот ва хизматларга эҳтиёжни оширади. Бу, ўз навбатида, талаб инфляциясига сабаб бўлади. Бундан ташқари, миллий валютанинг кадрисиланиши импорт қилинадиган истеъмол товарлари нархнинг қимматлашувига олиб келади ва импорт инфляциясини ҳосил қилади.

Мутахассислар фикрича, инфляция фақат товар ва хизматлар нархи ўсиши ҳамда аҳоли даромади камайишини инфляциянинг кўрсаткичи эмас. Бу кенг маънодаги иқтисодий жараён. Шу боис, улар бир-бири билан бевосита боғлиқ ва ўзаро таъсир қилади.

Мавсумий омиллар ва истеъмол нархи

Умумий инфляция жорий йил бошдан пайсаянда давом этиб, март ойда йиллик 8 фоизни ташкил этди. Бунда озиқ-овқат товарлари инфляциясида сезиларли пасайиш рўй берди. Озиқ-овқат таъқи бозордаги нархнинг тушиши импорт инфляциясига пасайтирувчи таъсир кўрсатди.

Иқтисодиётда юқори талаб сақланиб қолгани ҳамда тартибга солинадиган айрим нарх ва тарифларнинг оширилиши туфайли хизматлар инфляцияси сўнгги ойларда барқарор ўсиб бормоқда.

Кейинги пайтда базавий инфляция сезиларли секинлашиб, март ойда йиллик 7,6 фоизни ташкил этди ва йил бошдан буён умумий инфляция даражасидан пастроқ шакллангани эътиборни тортади. Марказий банк буни иқтисодиётда инфляция ҳолат яхшиланиб, монетар омиллар таъсири камайиб бораётгани билан изоҳлайди. Бинобарин, охириги икки йилда тескари ҳолат, яъни базавий инфляция умумийга нисбатан юқори шакланиб келган эди.

Шу ўринда базавий инфляция моҳиятига аниқлик киритиб ўтказ. У умумий инфляциянинг бир қисми бўлиб, маъмурий ҳамда мавсумий омилларнинг нархга таъсирини ҳисобга



олмаган ҳолда, товар ва хизматлар қийматининг эркин ўзгаришини ўзда акс эттирувчи кўрсаткич. Аммо баъзи товар ва хизмат турларининг нархи давлат томонидан белгиланади ҳамда тартибга солинади. Мева-сабзавот, сув, газ, электр энергияси шулар жумласидан.

Истеъмол саватидаги айрим товар ва хизматлар нархи тартибга солиниши умумий инфляция даражасига тўғриван тўғри таъсир этгани учун бу ўзгаришлар базавий инфляцияни ҳисоблашда қўлланмайди. Шу боис, у мамлакатдаги инфляция даражасининг муайян даврини яққолроқ ифода этади.

Статистика агентлиги маълумотига кўра, мамлакатимизда январь-апрель ойларида истеъмол нархи 2,59 фоиз ошди. Жумладан, ўтган ойда 0,93 фоиз қимматлашув кузатилади. Бу март ойдаги кичик ўсишга қарамай, аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада паст кўрсаткичдир. Масалан, ўтган йили апрель ойда бу миқдор 11 фоизга етган эди.

Аҳамиятли томони, апрель давомида озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати 0,4 фоизгача тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан у қароқарор паст, дегани. Нарх ўсиши бўйича мева (+3 фоиз) етакчилик қилди. Айни кезде сут маҳсулотлари 2,7 фоиз, сабзавот 1,2 фоиз арзонлади. Йиллик ҳисобда озиқ-овқат нархи 7 фоиз кўтарилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг ўсиш суръати ойга 1 фоиз, йиллик ҳисобда эса 7,7 фоизни ташкил этди. Кийим-кечак ва пойабзал нархи деярли ўзгармади ва йил давомида мос равишда 5,8 ва 5,5 фоиз кўтарилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инфляциянинг кескин тезлашуви кузатилади. Апрельда 1,8 фоизгача ва йиллик 10,8 фоиз қимматлади. Умумий оқватланиш корхоналарида нархлар мос равишда 0,9 ва 17,9 фоиз, меҳмонхоналарда 0,2 ва 19,5 фоиз ошган. Темир йўли чиптаси апрелда 3,2 фоиз, йилнинг ўтган даврида эса 37,8 фоиз кўтарилган.

Статистик маълумотларга кўра, биринчи чорак якуни бўйича номинал иш ҳақининг ўсиш суръати йиллик 19,8 фоизни, инфляцияни ҳисобга олганда реал 9,8 фоизни ташкил этди, 4 миллион 920 минг сўмга тенг бўлган. Ўртача ойликнинг номинал ҳисобланган иш ҳақи таркибига қўшимча ва рағбатлантирувчи тўловлар, муқофот пули, шунингдек, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва касабга уюшмасига ажратмалар кирди. Уни ҳисоблашда қишлоқ хўжалиги корхоналари

ва кичик бизнес бўйича маълумотлар ҳисобга олинмаган. Чунки фермер хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектлари йилда бир марта ҳисобот тақдим этади.

Энди бошқа рақамларга эътибор қаратсак. Бу товар ва хизматлар нархи ўсаётган ёки пасаяётган бир шартда мамлакатимиз аҳолиси ишлаб топган пулини кўпроқ нимага сарфламоқда, деган саволга ойдинлик киритади. Солиқ қўмитаси фискал чекларга таяниб маълум қилишча, 2024 йилнинг дастлабки чоратида метан газининг умумий реализация суммаси — 3,4 триллион, А1-80 маркали бензин — 2,6 триллион, авиачипта (халқаро) — 2,3 триллион сўми ташкил этган. Улардан кейинги ўринларда А1-92 маркали бензин (1,2 триллион сўм), 1-навли бугдой уни (1,1 триллион сўм), уяли телефон (638,3 миллиард сўм), фаст фуд (613 миллиард сўм), кунгабоқар ёғи (543,1 миллиард сўм), асосий ўштли таомлар (470,2 миллиард сўм), пишириқлар (427,4 миллиард сўм) туради.

Бюджет тақчиллиги таъсири

Консолидацияланган бюджет давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджети, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (суверен фонд) маблағларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси консолидацияланган бюджетининг 2024 йилги даромади 375 триллион сўм ва ҳаражати 427,6 триллион сўм, тақчиллиги 52,6 триллион сўм ёки ялли

ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдорда этиб белгиланган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, жорий йил биринчи чоратида бюджет тақчиллиги 19,8 триллион сўмдан ошган. Бу даромад ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоиз, ҳаражат эса 19,3 фоиз ўсганини намоён этади.

Марказий банк раисининг яқинда эълон қилинган маърузасида қайд этилишича, бюджет ҳаражатининг юқори даражада ошиши монетар кўрсаткичга, макроиктисодий барқарорлик ва энг муҳими, инфляцияга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

“Инфляцияни пасайтириш иқтисодиёт секторидagi барча идораларнинг биринчи вазифасидир. Бу борада Иқтисодиёт ва молия вазирлиги барча зарур чорани кўряпти. Ҳар ҳафта камиди бир марта бу масалани муҳокама қиламиз. Хавотирлар ўринли. Биринчи чоракда шакланган дефицит яна давом этиши мумкинми? Биринчи чоракда даромад пасайиши ва ҳаражат ошиши бир оз юқори бўлади. Бу йил ҳам шу тарзда бошланади. Ҳукуматнинг ҳамма саяё-ҳаражати дефицитни бу йил 4 фоиз даражасида ушлаб қолишга қаратилган”, дейилади маърузада.

Биринчи чоракда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 11,2 триллион сўмлик давлат облигациясини муомалага киритди. Бу ўтган йилнинг шу даврига (4,7 триллион) нисбатан қарийб 2,5 баробар кўп.

“Биринчи чоракда бюджет ҳаражати ўтган йилга нисбатан анча ошди. Бу давлат томонидан субсидияланган энергия импорти ҳажми ўсиши билан боғлиқ. Бюджет даромадининг ўтказилмаган қолдиги мавжуд. 2023 йилда бу маблағ ҳаражати қоллашга йўналтирилган. Жорий йилда маъмур маблағ бирмунча кам бўлди. Ҳукумат 11 триллион сўм маблағ жалб қилди. Бу ерда биз шунга ўхшаш ҳолатни кўрмаймиз. Чунки ички пул бозорига ҳам муайян чегара мавжуд. Ҳукумат бу чегарадан ортиқ маблағ жалб қила олмайдди. Йилнинг қолган даврида ҳам ушбу тенденция давом этишини кутмаймиз”, дейди Марказий банк раҳбари.

Прогноз ва амалий натижалар

Макроиктисодий ривожланишнинг асосий сценарийси доирасида 2024 йилда инфляция даражаси 8-9 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинган эди. Лексин аҳоли ва тадбиркорларнинг

инфляцияни кутималари жорий ва прогноз даражасидан юқорилигича қолмоқда. Шу билан бирга, апрель ойдан бир қатор товар ва хизматларга ҚҚС жорий этилиши таъсирида инфляцияни кутимла суръати ошиши, 1 майдан тартибга солинадиган айрим тарифларнинг эркинлаштирилиши умумий инфляцияга бир марталик таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқоридаги омиллар ҳисобга олиниб, макроиктисодий прогнозларга биноан, 2024 йил якунида умумий инфляция прогнози 9-11 фоиз доирасида бўлиши тахмин қилинмоқда. Базавий инфляция кўрсаткичи 7-8 фоиз атрофида бўлиши кутимолда.

Марказий банк бошқаруvinинг яқинда бўлиб ўтган йилгиликта асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу охириги бир йилда ставкани ўзгаришсиз қолдириш орқали пул-кредит шартинда муайян қатъийлик даражаси юзага келганини намоён этади. Шу боис, бугун пул бозоридagi реал ставка 5,5 фоизни ташкил қилляпти.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг биринчи чоратида иқтисодиётнинг ўсиш суръати 6,2 фоизгача бўлди. Хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси ва қурилиш соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноати соҳаларида инвестицион фаолият ортиши кузатилади.

Доллар курси сўмга нисбатан кескин ошишда давом этмоқда. Ўтган йил аввалида бир доллар 11 минг 225 сўмга тенг бўлса, 2023 йил 31 декабрга келиб, 12 минг 338 сўми, 2024 йилнинг 31 мартда 12 минг 620 сўмдан сал ортиқни ташкил этди.

Сўмнинг реал алмашув курси динамикаси январь-март ойларида 0,9 фоиз қадрсизланиб, узоқ муддатли тренд доирасида шаклланди. Ташқи савдо бўйича ҳамкорларнинг миллий валюта курси ва инфляцияси бўйича прогнозлари инобатга олганда реал алмашув курсига нисбатан босим кузатиламанли.

Бу жиҳатлар Марказий банк раисининг жорий йил аввалида айтган сўзларини ёдга солади:

“Пулни қадрсизланиши Марказий банкнинг хатти-ҳаракатида боғлиқ эмас. Курсни бозор, талаб ва тақлиф белгилайди. Марказий банк ҳеч қачон курс прогнозини бермаган. Иқтисодий салоҳиятимиз ошса, ташқи иқтисодий алоқалардаги ўрнимиз, мавқеимиз кўтарилса, курс қадрсизланиши шунча паст бўлади. Фақат кутилаётган кутималар ва таъсирларни айтиб ўтамиз. Ҳар йили сўмимиз қадри ўртача 1,5 баробар ошляпти. Охириги 3 йилда миллий валютимиз қадри 2 миллион эквивалентдан 7 миллион эквивалентга ўсди. Бу, умумий аҳолига нисбатан олиб қарасак, кам. Бироқ муайян жиҳатдан аҳолининг ишончи ошмоқда”.

Марказий банк инфляциянинг 5 фоизли таргетига эришишга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш жараёнида иқтисодиётдаги талаб ва тақлиф мутаносилиги, инфляцияни кутимла ҳамда таркибий ислохотлар суръатига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб келади.

Жаҳон таърибасига кўра, марказий банклар томонидан инфляцияни таргетлаш режимига ўтишни асосий тамойилларидан бири — инфляциянинг аниқ мақсадли кўрсаткичини белгилаб олиш ва унга (таргетга) эришиш учун барча зарурий чора-тадбирларни кўриб боришдир.

“Target” ўзбекчага ўғиринганда “мақсад” деган маънони билдиради. Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи (таргетга) эришиш учун самарали восита сифатида пул-кредит сиёсати механизми таргетга боғлиқ шартинда ўтказилади. Ушбу усул жаҳондаги 40 дан ортиқ мамлакатда қўлаб келинмоқда.

Халқаро таърибга кўра, инфляцияни таргетлаш режимини амалга ошириш учун, аввало, қатор шартларни баъжариш зарур.

— Бунинг учун инфляциянинг доимий таргетини белгилаш ва омиллари ҳамда кўзланган инфляцияни мақсад ҳақида аҳолини мунтазам хабардор қилиб бориш лозим, — дейди иқтисодий фанлари номзоди, доцент Замир Холмамадов. — Инфляция жараёнини бошқариш ва пул бозорига пул ставкасини тартибга солиш учун пул-кредит сиёсати бўйича востлардан кенг фойдаланиш керак. Бу борада объектив қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлар, уй хўжаликлари, тадбиркорлик, давлат бошқаруви соҳасини батафсил макроиктисодий таҳлил қилиш ҳамда ички ва ташқи бозордаги оқиқ маълумотларни ҳисобга олган ҳолда прогнозлаштириш зарур.

Марказий банк 2020 йилдан таргетлаш режимига фаол ўта бошлади ҳамда доимий мақсадли кўрсаткич сифатида 2023 йилда инфляциянинг 5 фоизли даражасига эришиш вазифасини белгилади. Сўнг бу мақсад кейинги йилга сурилди.

Ўтган йили 26 октябрда ўтказилган йилгиликта Пул-кредит сиёсатининг 2024 йил ва 2025-2026 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари концептуал жиҳатдан маълумлашиб, асосий сценарий бўйича инфляциянинг доимий 5 фоизли таргетига эришиш даври 2025 йилнинг иккинчи ярмига тўғри келиши бўйича асослар юзага келаётгани маълум қилинди.

Муқобил сценарий доирасида, асосийдан фарқли равишда, ташқи шартининг бирмунча нуқулай шаклланиши ички нархга қўшимча босим яратишини инобатга олиб, 2024 йилда инфляция даражаси 9-10 фоиз атрофида бўлиши кутилляпти. Бунда доимий таргетга эришиш даври узоқроқ қўзилиб, 2025 йилда инфляция 7-8 фоиз атрофида бўлиши ва 2026 йил якунига келиб, 5 фоизгача пасайиши прогноз қилинган.

Хусусийлаштириш

Хусусийлаштириш иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириб, мулкдорлар кўпайишини таъминлайди. Шу мақсадда юртимизда кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2002-2021 йилларда давлатнинг 1,2 триллион сўмлик активи сотилган бўлса, 2022 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 11,3 триллион сўмга етди. Бир йилда ўн йил қилинган ишлардан қарийб 10 қарра юқори натижага эришилди.

БЕКОР ТУРГАН БИНО ЎРНИДА ЙИРИК КОРХОНА Инвесторларга берилаётган имконият самараси

2020-2023 йилларда эса давлатга тегишли 4,5 мингта актив хусусийлаштирилиши натижасида 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг солиқ тушуми 1,3 баробар, соф аҳолий эса 1,5 баробар ошди. Масалан, бир неча йил ишламаган Андижон таъриб-синув заводи негизда 18 миллион доллар инвестиция ҳисобига тўқимачилик корхонаси ташкил этилиб, мингта иш ўрни очилди, 40 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Қўқон суперфосфат заводи хорижий инвесторга берилиши туфайли 40 миллион доллар инвестиция қилиниб, ишлаб чиқариш ҳажми 4 баробар ошган. “Ипотека банк”нинг 324 миллион долларга ҳамда давлатнинг “Соса-Сола” компаниясидаги улуши 252 миллион долларга сотилгани ҳам охириги йиллардаги йилги битимлар сирасига кирди.

Тақдиллар бу соҳадagi ишлар ҳамма жойда ҳам бир маромад кетмаётганини кўрсатляпти. Мисол учун, Тошкент вилоятида 112 та объект сотилиб, улар негизда 150 та тадбиркорлик субъекти ва мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарь, Наманган, Сурхондарь ва Сирдарь вилоятларида аввалги йилда сотувга чиқарилган мулкларнинг 30 фоизи ҳам сотилмаган. Умуман, 2023 йил аввалида давлатга тегишли 30 мингдан ортиқ объект ўтказилган хатлов қилинадиган ишлар кўпчилигини кўрсатди.

Шу боис, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 10 мартдаги “Давлат мулкнини хусусийлаштириш ва ижарага бериш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги” қарори билан давлат активларини сотувга чиқариш тартиби содаллаштирилиб, муддати қисқартирилди. Ушбу ҳужжатга кўра, давлат улуши ва кўчмас мулк объектлари “E-auction” электрон савдо платформасига чиқарилганда ёки халқаро аудит компанияси баҳолаганда ўлар ҳисоботини мажбурий экспертизадан ўтказиш талаби бекор қилинди. Савдода давлат улуши ва кўчмас мулк объекти бўйича бир талабгор мавжуд бўлса, у билан шартнома тузиш амалиёти бекор қилиниб, давлат объектларини ижарага бериш муддати 1 йилдан 3 йилгача, мажбурий баъжарилганда эса 5 йилдан 6 йилгача этиб узайтирилди.

Шу билан бирга, ҳоким ёрдамчиларининг онлайн бюржманомасига асосан, ҳудуди 2 минг квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган тушум Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига тўқилдиҳича ўтказилади. Ҳудуди 10 минг квадрат метргача бўлган объектлар сотилишидан тушган тушумнинг 90 фоизи соҳалий бюджет (45 фоизи вилоят бюджетига, 45 фоизи объект жойлашган туман (шаҳар) бюджетига) йўналтирилади. Бундан ташқари, Давлат активларини бошқариш агентлиги қарорига асосан, давлат кўчмас мулк объектлари билан бирга автотранспорт ва асосий востларини ҳам ўтказиш тартиби жорий этилди.

— Президентимиз яқинда “Давлат мулкнини хусусийлаштириш тўғрисидаги” қонунни имзолади, — дейди ҳуқуқшунос Шокир Тошқулов. — 1991 йили қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги” қонун маънан эскириб, бугуннинг талабларига жавоб бермай қолган, 20 мартадан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. Қолаверса, аввал қонунда чет элда кенг қўлланадиган хусусийлаштириш усуллари, очиклик ва шаффофлик талаблари, давлат органларининг хусусийлаштириш соҳасидаги аниқ ваколатлари назарда тутилмаган. Халқаро таърибани олсак, хусусийлаштиришнинг 4 тадан 10 гагача услуби қўлланади. Жумладан, Германияда 6 та, Чехияда 7 та ва Польшада 10 та.

Шу боис, эски ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бекор қилиниб, тўғридан тўғри амал қилувчи

янги “Давлат мулкнини хусусийлаштириш тўғрисидаги” қонун амалиётга жорий этилмоқда. Уни ишлаб чиқишда соҳага оид халқаро таърибга, хусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, “Indecon Consulting” компанияси, “KPMG” компанияси, польшалик экспертлар ҳамда бошқа қатор малакали маслаҳатчилар тақлифи инобатга олинган.

Янги қонунда давлат кўчмас мулк объектлари, давлат улуши (акциялари, улуши), давлат унитар корхоналари ва муассасалари хусусийлаштириладиган объектлар сирасига киритилган. Давлат мулкни тўлиқ ёки қисман хусусийлаштирилиши мумкин. Давлат активларини бошқариш агентлиги маъмур соҳадagi ваколатли орган. Хусусийлаштириладиган мулкнинг бошланғич қиймати агентлик ёки ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланади.

Давлат мулкнини хусусийлаштириш жараёни аукцион, танлов савдолари, музокара-ларга оммавий тақлиф қилиш, рақобатга асосланган мулоқот, биржа савдолари, давлат унитар корхонаси ёки муассасасини мулкнинг мажмуа тарзида хўжалик жамиятининг устав фонди (устав капиталига) давлат улуши сифатида киритиш, шундай объектларни кейинчалик хусусийлаштириш шартин билан ижарага бериш каби 8 та усулдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Унинг тез орада амалиётга киритилиши давлат мулкнини хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, инвестиция жалб этиши, самарасиз фаолият кўрсатаётган давлат



мулк объектлари негизда янги лойиҳаларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидagi нутқида хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, бу борада янги дастур ишга туширилгани алоҳида қайд этди. Бинобарин, шу йил 16 январь куни иқтисодиётни ривожлан-тириш масалалари бўйича ўтказилган видео-селектор йилгиликта Вазирлар Маҳкамасига янги хусусийлаштириш дастурини тайёрлаш вазифаси берилган эди. Шунга асосан, давлат иштирокидаги корхоналар улуши ва кўчмас мулк объектлари самарадорлик жиҳатидан таҳлил қилиниб, ушбу ҳужжат ишлаб чиқилди.

— Президентимизнинг 2024 йил 19 апрелдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорига биноан тасдиқланган дастурдан давлатнинг оммавий савдога чиқариладиган 247 та акция пакети улуши, давлат иштирокидаги корхоналарнинг 1028 та кўчмас мулк объекти, маҳаллий фонд бозорига акцияларнинг оммавий тақлиф ўтказиладиган 12 та корхона рўйхати жой олган, — дейди иқтисодиёт фанлари номзоди Рўзимбой Қурбонов. — Халқаро бозорда аукционга қўйиладиган давлат акциялари пакети (улуши) рўйхатида Деҳқонobod калий заводи (100 фоиз), Самарқанд автомобиль заводи (SamAuto) (75,2 фоиз), “Ўзбекинвест” суғурта компанияси (79,4 фоиз), “Ўзгасуғурта”

(94,5 фоиз), “Inter Hotel” меҳмонхонаси (100 фоиз), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (51 фоиз), Тошкент металлургия заводи (49,9 фоиз) каби давлат корхоналари бор. Шунингдек, 2025 йилда давлатга тегишли тўртта йирик компания акцияларининг 5 фоизгача қисмини халқаро фонд бозорига сотиш режалаштирилмоқда. “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг иккиламчи тақлифи (SPO), Навоий кон-металлургия комбинатининг бирламчи тақлифи (IPO), “Ўзбектелеком” ва Олмалик кон-металлургия комбинатининг бирламчи оммавий акциялари жорий йилда сотувга қўйилиши мўлжалланяпти.

Давлат активлари сотувини жадаллаштириш ва иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш мақсадига қатор энгилликлар кўзда тутилган. Давлат активлари 3 ойда сотилмас (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно), бошланғич баҳоси 10 фоизгача босқичма-босқич пасайтирилади. 2024 йил 1 январьга аукцион орқали ижарага олганга қамда 5 йил бўлган ва мажбурийларини баъжарган тадбиркорларга давлат мулкнини баҳолаган қийматда сотиб олиш тақлиф этилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари 3 ойда сотилмас (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно), бошланғич қиймати 30 фоизгача, 6 ойда сотилмас, 10 фоизгача пасайтирилади. Тўловларнинг 15 фоизини 3 ойда, қолган қисмини 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2024 йилда хусусийлаштириш жараёнида 400 та корхона улуши, 800 та корхонадаги кўчмас мулк, 2 минг гектар ер майдони сотувдан 20 триллион сўм даромад олиш кутимолда.

Давлатимиз раҳбари учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидagi нутқида юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларга янада қулай шарт-шароит яратилишига доир фикрларни илгари сурди. Биринчи навбатда, саноат зоналарини бошқаришда хусусий операторлар, жумладан, юқори малакали хорижий компанияларни фаол жалб қилиш амалиёти кенгайтирилади. Махсус иқтисодий зоналар фаолияти муддати бўйича чеклов ҳам бекор қилинади. Хорижий сармоядорлар учун ерни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача, яъни икки баробар узайтирилади. Бунда қонун билан қабулланган амалдаги имтиёз ва преференциялар тўлиқ сақлаб қолинади.

Мамлакатимизда кўплаб хусусий банклар очилди. Бозоримизга Европанинг етакчи банклари кириб келди. Қатор рақамли банклар фаолият юритмоқда. Форум доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири бўлган “Асаббанк”ни хусусийлаштириш бўйича битим имзоланди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Осие тараққиёт банки билан бирга бошқа йирик банкларнинг трансформацияси ва хусусийлаштириш жараёни фаол давом эттирилади.

Бешафқат ўлим самимий инсон, миллий матбуотимиз фидойиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Абдурауф Қоржовов орамиздан олиб кетди. Абдурауф Қоржовов 2020 йилдан буён “Янги Ўзбекистон” газетаси тахририятида фаолият юритиб, ёшларга меҳрибон устоз, ҳамкасбларига самимий дўст сифатида катта хурматга эришди. Шу вақт ичиде унинг жамиятимиз ҳаётида к



## Хотира — уйғонса гўзал

Саҳна ва экран санъати даргаларидан бири, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ҳақида гап кетганда кўпинча кўз олдидан машҳур ўзбек саркардаси генерал Собир Рахимов образи гавдаланади. Халқ юрагидан жой олган Мирзо Улуғбек, Хусайн Бойқаро ва шу каби ўнлаб тарихий шахслар қиёфасини саҳна ёки экранга олиб чиққан бўлса-да, шууримда Зикир ака генерал формасида мухрланиб қолган. Бу, менимча, ўша фильми илк кўрган пайтда мен 10-12 ёш эканим ва шу ёшда тафаккурим мутафаккир боболаримиз образидан кўра, ҳарбий саркарда образини қабул қилишга мойил бўлгани билан боғлиқ, шекилли.



Дарҳақиқат, “Генерал Рахимов” фильми Зикир Муҳаммаджонов ижодида алоҳида ўрин тутди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Маҳоратли актёр жанг майдонларида жасорат кўрсатиб, халқимиз шарафини ҳимоя қилган қаҳрамон образини яратиб жараёнда ўзига хос тайёргарлик ва синовлардан ўтгани ҳақида кўп ёзилган. Иккинчи жаҳон уруши даврининг муҳим воқеалари, жанг саҳналари мужассам ушбу фильм ҳақида Зикир Муҳаммаджоновнинг ўзи бир неча йил аввал биттан хотираларида бундай деган экан:

“Мен буюк актёрлардан кўп нарсани ўргандим. Амиро роль ижро этганида фақат ўз қалбимга мурожаат қиламан. Ўз қалбим билан яратган образим — Собир Рахимов халқимизга маъқул бўлди. Бу менинг қувончим. Шунанга томошабинларимиз бу фильм яратилиб бўлиб, халқимизга кўрсатила бошлагандек ҳаёрга бўлмасин, мени учраттилар экан, бирлари генерал деб қўйишса, бошқалари “Жўжани кузда санайим”

# Буюклик сири

дейишар, яна кимлардир эса “Юртимга ким қилич кўтариб келса, ўшандан ўзи нобуд бўлади”, деб қўйишарди. Буни мен фильм одамларга ёқиб билан бирга, уларнинг юракларида миллий гурур жўши урганидан, деб биламан”.

“Генерал Рахимов” фильми тасвирга олинганига ҳам 55 йилдан ошди. Суратга олиш ишлари 1967 йилда якунланиб, 1968 йил февралда фильм премьераси бўлди. Шу давр ичда томошабинлар бу фильми қайта-қайта кўрди. Картина дунёнинг турли қитъаларида намойиш қилинди. Фильм Эстония, Польша, Россияда ўтказилган халқаро кинофестивалларда мукофотлар олишга муваффақ бўлди.

Ўзбек саҳна санъати юксалишида, авлодларнинг тарбия топишида Миллий театримизнинг ўрни беқисс бўлди. Унда ҳақиқий саҳна фидойилари энг қийин давларда ҳам саҳна тарк этмай, бу мўътабар иш учун қайтарди.

“Устозлар изидан бориб, уларнинг ҳаёт йўлига айнан ҳозирги 70 йиллик ижодий фаолиятим орасидан боқар эканман, ўзим ҳам уларнинг борлигига — ижодига йўқилиб кетаяётганимни англаяман. Ва мен ҳам улар босиб ўтган бир из эканини тушуниб

Ҳар бир киши улкан чўққиларга интилади. Чўққига чиқиб олганидан сўнг ортда қолган довларга синчиклаб қарайди. Чўққига чиққан Қўёш ҳам она Ерга таъзим қилади. Мен ҳам санъаткор бўлганимдан фахрланиб, қайта дунёга келгудай бўлсам, яна халқимга хизмат қилиб умр ўтказардим.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ артисти

етдим”, деб ёзган эди Зикир Муҳаммаджонов хотираларида.

Мақоламизда унинг иқтибосларига бот-бот мурожаат қилаётганимиз бежиз эмас. Санъаткорлар орасида ўз ишини қойиллаштириб бажариб, матбуот саҳифаларида турли мавзудаги мақолалар билан қатнашиб, кўрган-билганларини китоблар саҳифаларида мухрлай оладиганлар учун қадар кўп эмас.

Аслида, бу икки соҳада бирдек муваффақиятли ишлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келар-вермайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ана шундай истеъдодли мужассам этган инсон эди. Албатта, халқимиз Зикир акани Ўзбек миллий академик театрида, кино ва телевидениеда яратган турли характер ва қиёфадаги кўплаб

етук образлари орқали яхши билади. Лекин таниқли санъаткор матбуот саҳифаларида ҳам фаол эди, қатор китоблар унинг қаламига мансуб. Санъатимизнинг унутилаёзган сиймоларига доир хотиралари, шунингдек, Миллий академик театри босиб ўтган тарихий йўл ҳақидаги қимматли маълумотлари, театр санъати ҳақидаги фикрлари жамланган асарлари, айниқса, эътиборга молик.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири. Юқори синфда ўқийётган кезларим. Унда-бунда матбуотда мақола, бадиий ижод намуналари билан кўриниб турган пайтларим. Мактабдан кейин турли тўғаракларга қатнашман. Жамоат трансporti, айниқса, метродан тез-тез фойдаланаман. Ҳар замонда Зикир Муҳаммаджонов вагон йўловчилари қаторида “Беруний” бекатигача келади. Тан олиб айтаман, бошқа бирорта таниқли шахсни жамоат транспортда кўрмаганман. Шундай кезлар унинг суҳбатини олгим, гаплашиб кетгим келади, аммо тортинаман, салобат босади. Таниқли, машҳур одам мендек бир мактаб ўқувчисини назарига илармикин, деган ҳақик ҳам бор.

Бир куни дўстим билан метрода кетаёт-сак, қайсибир бекатда Зикир ака чиқиб қолди. Жой бердик. Ўзига ярашган кўстимда, бўйинбоғ тақиб, бошига шляпа кўндирган халқ артисти кўюқ қошлари остидаги кўзларида

миннатдорлик акс этиб, ўриндиққа жойлашди. Ёнида бир кишилик жой бўлиб.


— Биттангиз ўтиринлар-чи, қани, — деди Зикир ака табассум билан бизга имо қилиб.

Ёнимда дўстим борлиги ё Зикир аканинг ундови дадда бўлиб, бу машҳур актёрнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш фурсати келди, деб бўш ўринга, Зикир аканинг ёнига дадил ўтирдим. Бахтимга, 5-6 кун аввал ўша пайтда Ҳамза, ҳозирги Миллий театрга мактабимиз билан бирга “Кузнинг биринчи кунин” асарини томоша қилган эдик. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Улмас Умарбеков пьесаси асосида саҳналаштирилган спектаклда бош ролини айнан Зикир Муҳаммаджонов ижро қилган эди. Гапни шундан бошладим.

Актёрнинг юзи ёришиб, суҳбатимиз қизиқ кетди. Биз уч киши тенгдон, орамиздаги ёш, макъа тафовути йўқ эди гўё. Метродан кўчага чиққандан кейин ҳам гурунгимиз анча давом этди. Тўғри, орадан 40 йилча вақт ўтди, ҳозир нималарни гаплашганимиз тафсилоти ва тилга олинган мавзулар аниқ ёдимда қолмаган. Лекин мактаб ўқувчиси эканимиз, ҳаваскор ижодкорлигимиздан хурсанд бўлиб, хайрлашган улуг актёрни кузатганимиздан кейин дўстим айтган гап ҳақон эсимда:

— Жуда оддий одам экан!  
Ҳа, буюкликнинг сири оддийликда, деб бежиз айтишмаган.

Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



URUSH DAVRI MAKTUBLARI  
THE WARTIME LETTERS

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ватандошларимиз уйига, яқинларига ёзган мактубларни ўқисангиз, ўзингизни жанг майдонидагидек сезасиз. Дилингиз жанг майдонидагидек сезасиз. Зеро, бу дардга, кўзингиз ёшга тўлади. Зеро, бу мактублар ортида ватанга, ота-онага, ёрга, фарзандга чексиз муҳаббат ётибди. Улар ким учун жон берганини, кимни ҳимоя қилаётганини билган. Шу боис, ҳеч нарсдан тап тортмай, қўрқмай, кўксини баланд кўтариб ўлимга тик боққан. Энг ачинарлиси, ушбу мактубларни интизор кутган онаизорлар, оталарнинг дилидаги оҳни оққа кўчириб бўлмайди.

## Етим қолган мактублар

Саксон йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам бу мактубларни сақлаб юрган инсонларнинг бардошини, кўзидан оққан ёшини, мактубларга кўчган оҳларини тасаввур қилсангиз, “уруш” деган сўзини айтишга тилингиз айланмай қолади. Жанггоҳдан ўнлаб мактуб ёзиб, уйдан бирорта ҳам хат ололмай, ота-онасини, турмуш ўртоғини, фарзандларини ўйлаб, хавотирда жон берганлар оз эмас. Мактублар турли сабабларга кўра, етиб бормаган. Баъзан почта душман қўлига тушган. Баъзан темир йўл яқсон қилиниб, поездлар издан чиқиб кетган. Натижанда хатлар исиз йўқолган. Жангчилар мактубини ололмай, икки кўзи йўлда, сўнгги охи ичиде кетган.

1940 йили Сурхондарё вилояти Денов туманидан Кўзи Рўзиев ҳамшаҳри Ирғаш Қурбонов билан ҳарбий хизматни ўташ учун Беларуснинг Брест шаҳрига чақирилган. Қўзибойнинг Денов тумани Тортувли қишлоқ кенгаши Қизил дехқон хўжалигида яшовчи ота-онасига ёзган биринчи мактубини ўқиб бўлмади. Сабаби, қаламда ёзилгани учун мати ўчиб кетган. Конвертдаги тамага эса бу хат 1940 йили ёзилганини тасдиқлаб турибди.

Иккинчи мактуб икки ҳамшаҳар номидан ёзилган. Уни қандай бўлса, шундайлигича кўчираримиз:

“Ўзбекистон, Сурхондарё область, Денов район, Сельсовет Тортувли, колхоз Қизил дехқон Рўзиев Ачилди, Белоруссия п/я № 105/14 Қурбонов Ирғаш ва Рўзиев Қўзидан.

Денов туманида яшаб турган онамга, отамга, ака-укаларимга, дўстларга салом. Бу саломим армия сафида хизматни ўтаб турган Қурбонов Ирғаш дўстингиз томонидан, деб биласиз. Ҳозир Брест зонасида хизмат қилиб турибмиз. Биздан аҳвол сўрасангиз жуда яхши. Кунига 12 соат машғулот, жуда қаттиқ. Биз Германия чегарасидан 2 км масофада турибмиз. Дўстим Рўзиев Қўзининг айтишича, яқинда уруш бошланади деган гап бор. Шунга алаҳанда (алағда — изоҳ таҳририятники)миз. Хатимни ўқий олмасангиз керак. Қалам билан ёздим. Шу билан сўзим татом. Қурбонов Ирғаш, Рўзиев Қўзи. Имзо. 5/VI.1941 йил”.

Бу мактуб манзилига 1941 йилнинг 14 июнида етиб келган.

Уруш пайти ва ундан сўнг Брест ҳимоячиларининг жасорати тилларда дoston бўлди. Шундай қаҳрамонлар орасида ўзбекистонлик Ирғаш Қурбонов ва Қўзи Рўзиев ҳам бор эди, албатта. Биринчилар қаторида кўксини қалқон қилган, қиргин-баротлардан омон қолган ва кейинги жангларда иштирок этган ҳаюртларимиз жасоратидан одам фахрланади.

1941 йилнинг 22 июнь тоғини халқимиз унутгани йўқ. Кимларнингдир ширин уйқуси бузилди. Оналарнинг қўлидаги чақалоқ йиғлаб қолди. Еру кўк ёнди. Ҳар томондан отилган ўқ, осмондан ёғилиб турган бомба овозидан ер ларзага келди.

Учинчи мактуб: “Сизлардан хат олмадим. Шунинг учун бир оз хафаман. Ҳаж агаганман. Яна

Художондан сўраб турмоқдаман. Художоним ўзи нима деган бўлса, шуну кўриб келмоқдаман. Худо хоҳласа, соғ бориб қоларман, деб хат ёзувчи Рўзиев Қўзи”.

1941 йилнинг 29 сентябрида ёзилган мактуб орадан 20 кун ўтгач, манзилига

етиб келган. 1940 йил декабридан буён қизил армия сафида хизмат қилаётган, оғир жангларда қатнашган Ирғаш Қурбонов ва Қўзи Рўзиевнинг 1941 йил 29 сентябрда ёзган мактуби уруш бошланганига уч ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, улар ҳақон сафда эканидан гувоҳлик беради.

Хатни ўқигач, кўзим олди қоронғилашди. Бошим айланиб, қонли жанглар шоҳиди бўлган

мактубни кўксимга босдим. Бу мактублар неча кўндан кўлга ўтиб, хат ташувчилар томонидан гоҳи пиеда, гоҳи отда, гоҳи поездда минглаб чақирим йўл босиб, манзилига етказилган.

Тўртинчи мактуб: “1942 йил, март. Худо хоҳласа, яқинда бориб қоламан. Ҳамма хат олиб турибди. Мен бўлса ҳеч кимдан хат олмаяман. Қандай бўлса ҳам айтаман. Мендан омад юз ўғирган бўлса ҳам... Отажон, хат келмади. Отажон, умидларингизни узманг, Худо хоҳласа, яқинда бориб қоларман. Уруш тўхтаसा, деб хат ёзувчи ўлингиз Рўзиев Қўзи”.

Бешинчи мактуб: “Добрый день. Здравствуйте, дорогие родители, папа, мама и брат и сестра. Шлю я вам своей пламенной привет и желаю всего хорошего во первых сообщая что нахожусь я в Госпитале ранен в руку. Пока писать не могу меня направляют в дружок госпиталь потом сообщу. Больше ждать нечего пока досвидания с приветом к вам Рўзиев К.”.

Хатни кимдир ёзиб бергани кўриниб турибди. Бу Қўзининг сўнгги мактуби. Даҳшатли урушдан гувоҳ бўлган шундай мактубларни ўқисангиз, дилингиз дардга тўлиши тайин. Чунки ҳар бир мактуб ортида қурбон бўлган инсон ҳаёти турибди. Хатида “Ўлмасам, яқинда бориб қоламан”, деган йиғит қани? Дилини ўртаган бу саволга жавоб излаймиз, лекин топа олмаймиз.

Иккинчи жаҳон урушида Денов туманидан қатнашган, ҳалок бўлганларга ўрнатилган ёдгорликда Қўзи Рўзиев номи турибди. Бироқ у билан бирга 1941 йил 5 июнида Брестдан мактуб ёзган дўсти Ирғаш Қурбонов рўйхатда йўқ. Балки у қишлоғига тирик қайтгандир...

Юрагим санчди. Ёдгорликдан узоқлашдим. Қўлида бир кучоқ гул тутиб келаятган йиғитга кўзим тушди. Боболари жасоратини унутмаётган авлодга ташаккур.

Насриддин ИСМОИЛОВ,  
журналист

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲҲ QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

